

## **ХИТОЙ ЎРТА АСР АДАБИЁТИДА ДРАМАТУРГИЯНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ**



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7335903>

**Комилова Шахноза Туробуддиновна.**

Тошкент давлат шарқшунослик университети,  
Шарқ мамлакатлари адабиёти ва  
қиёсий адабиётшунослик кафедраси  
e-mail:sh\_muslima@inbox.ru

**Аннотация:** Уибу мақола доирасида хитой адабиётида драма жанрининг пайдо бўлишига таъсир кўрсатган ички ва ташқи омиллар масаласи аks этирилган. XIII-XIV асрларда хитой драматургиясида шакланган “сивень”, “цзацзюй” жанрларининг ўзига хос жихатлари хусусида сўз боради ва бу жанрининг ривожида ўз ўрнига эга бир қатор драматурглар ижоди хусусида фикр юритилган. Мақолада жанр нутқатий назаридан XVII-XVIII асрлар келиб драматургияда номлари келтирилган жанрлар билан бирга “чuanqi” жанри пайдо бўлиши ва ривожланиши олиб борган тадқиқотлари асосида таъкидлаб ўтилди.

**Калим сўзлар:** «наньсивень», «цзацзюй», «чуаньци», санскрит драмаси Гуань Хань Синь (关汉卿), Ван Ши Фу (王实甫), Бай Пу (白朴), Ма Жи Юань (马致远)

**Аннотация:** В данной статье отражен вопрос о внутренних и внешних факторах, повлиявших на появление жанра драмы в китайской литературе. Специфические особенности жанров "Сивэн", "цзацзюй", которые сформировались в китайской драматургии в XIII-XIV веках, нашли отражение в творчестве ряда драматургов, которым отведено место в развитии этого жанра. В статье освещен жанр с точки зрения, основанной на исследованиях, проведенных в XVII-XVIII веках, возникновения и развития жанра "чжуанци" наряду с жанрами, названными в драматургии.

**Ключевые слова.** «наньсивень», «цзацзюй», «чуаньци», драма санскрита, Гуань Хань Синь (关汉卿), Ван Ши Фу (王实甫), Бай Пу (白朴), Ма Жи Юань (马致远)

**Annotation:** This article reflects the question of internal and external factors that influenced the emergence of the drama genre in Chinese literature. The specific features of the genres "Xiwen", "zaju", which were formed in Chinese drama in the XIII-XIV centuries, are reflected in the work of a number of playwrights who have a place in the development of this genre. The article highlights the genre from the point of view, based on research conducted in the XVII-XVIII centuries, the emergence and development of the genre of "chuangqi" along with the genres named in drama.

**Keywords.** "nanxiwen", "zajui", "chuanqi", Sanskrit drama, Guan Han Xin (关汉卿), Wang Shi Fu (王实甫), Bai Pu (白朴), Ma Zhi Yuan(马致远)

Хитой халқ томоша санъати жуда қадим замонларда вужудга келган ва ўз тараққиёти давомида булғуси сахна кўринишлари учун умумий қонун ва қоидалар сифатида хизмат қилди. Тан даври шоирлари Ли Бо, Ду Фулар шеърияти, Ли Гунцзо, Юань Чжэнь новеллалари асосида, энг аввало, ўз халқига, инсонга бўлган муҳаббатни ўз ифодасини топган. Драматургияда XIII-XIV асрларда келиб янги жанрларининг пайдо бўлиши туфайли асарларнинг ички тузилишлари бироз енгил шаклга келтирилган бўлсада, кучли, теран

мавзулар кўтарилигандан Албатта, XVII-XVIII асрлар келиб эса ўрта аср услубидаги сюжетлар, гоялар, характерлар давом этган, лекин секин-аста ўзлаштириш услубларига қарши кураш бошланган эди.

Мақолани мақсади хитой адабиётида драманинг жанр сифатида тараққиётида таъсир кўрсатган ички ва ташқи омиллар, санскрит драма ва театрининг таъсир масалалалирини очиб беришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун хитой адабиётида драматургиянинг пайдо бўлиши, ривожланиши хусусида аниқ маълумотларни келтириш, илк драматик жанрлар, драматурглар ижод намуналари, санскрит драмасининг илк намуналарини санаб ўтиш, жанр сифатида тараққиётини ёритиб бериш керак.

Драматургия ҳар бир халқ адабий меросининг маълум бир қисмини ташкил этади ва ҳар бир адабий ҳодиса каби ўзининг маълум бир тараққиёт босиқичларига эга бўлади. Сюжетлилик, ҳаракатларнинг зиддиятга асосланиши ва уларнинг саҳна, эпизодларга бўлиниши, баённинг йўқлиги, персонажлар муносабатларининг ўзаро сўзлашувга асосланиши драманинг ўзига хос хусусиятидир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир халқ адабиёти ва санъатининг гуллаган даврлари мавжуд бўлиб, эрамиздан аввалги VIII-V асрларда антик адабиёт, яъни грек адабиёти юксак ривож топга давр бўлган. Ундан кейин Рим адабиётида ривожланиш кузатилади. XVI асрда инглиз адабиётида Шекспир, Марло, Гринн каби буюкларнинг ижодиёти орқали дунё маданиятида янги кўтарилиш даври бошланди. XVIII асрда Германияда Гёте, Шиллер ва бир қатор адиллар орқали адабиёт ва санъатининг юксалиши кўзга ташланади. XIX асрда Француз адабиётини Гюго, Дюма, Стендаль, Флобер, Мопассанлар каби машхурлар дунёга танитдилар. Шарқда эса драма санъатининг ривожи ўзига хос хусусиятларга эгадир. Хиндистонда мелоднинг биринчи минг йиллик даврида, Японияда X-XI асрларда, XIII-XIV асрларда Хитойда драма жанр сифатида тўлиқ шаклланди.

XIII асрда яшаб ижод қилган Хитойнинг таникли драматурглари Гуань Хань Чинъ, Ван Ши Фу, Бай Пу, Ма Жи Юань ва бошқаларнинг драматик асарлари хозирги кунга қадар ўз қадр-қийматини йўқотмаган. Бу номлар бизни кейинчалик мумтоз деган ном олган ва хитой маданияти равнақи тарихида алоҳида ўрин тутган, унинг бирмунча демократик жанрларидан бўлган хитой драматургия ва театрининг ўша даврдаги равнақи билан боғлайди.

XIII асрда, мўғул босқинчилари томонидан хитой миллий санъати қаттиқ таъкиб остида бўлган бир даврда театр ва драматургия етакчи санъат турларидан бири бўлиб қолди. Мўғуллар хукумронлиги даврида театр ўзига хос фаолияти билан озодлик гояларнинг бадиий тарғиботида бирмунча таъсирчан восита бўлиб хизмат қилди. Лекин, илғор гояларнинг оммалашуви халқ учун янада кулай ва тушунарли бадиий шаклларни топишни талаб қиласи эди. Театр санъати манбаалари қадим-қадимларга бориб тақалади. Хитой адабиётида драма жанри ривожида биринчи Хитой пьесаси актёрлар томонидан кичкинагина, лекин жуда ҳам эркин формадаги, яъни «сивень» (театр матни) (戯文) ёки «наньсивень» (南 戏文) - «жанубий сивень» (жанубий театр матни) деб номланган жанрлар яратилган. Бу жанрларнинг айрим хусусиятлари хозирги хитой жанубий театри ва драмаларида сақланиб қолган, яъни қўшиқ куйлаш (ария), прозаик диалог ва пантомимоларнинг (ракс) бирга келиши яққол кўриниб туради.

XIII-XIV асрларда Юань сулоласи хукумронлиги даврида драманинг «сивень» жанри янги «цзацзюй» (杂剧)<sup>1</sup> жанрига айлантирилди. Бу даставвал Шимолий Хитойда пайдо бўлиб, тез орада «сивень»ни иккинчи ўринга тушириб қўйди ва нафақат шимолда, балки жанубда ҳам ривожлана бошлади.

<sup>1</sup> “Цзацзюй” (杂剧) жанрида бирор бир сюжэт хикоя килинади. Хикоя ария ва ракслар билан бир актёр томонидан ижро этилган.

Хитой халқининг ҳам маънавий олами вақт ўтган сари ўзгариб борди. X-XIII асрларга келиб санъат асарини тушунишга қодир томошибинлар сони қўпайиб борди ва бунга, албатта, драматургия ва театр санъати сабаб бўлди. Санъатнинг аралаш тури, яъни драма, мусиқа, воизлик санъати, оммавий сифиниш маросимлари, халқ томошалари кабилар ривожланди. Император саройидаги олий табақалар учун мўлжалланган саҳна томошаларига ҳам зарурат пайдо бўлди. Хитой драматургиясининг ривожи ҳам айни шу даврга тўғри келди. Хитой драматик жанрларининг пайдо бўлиши масаласида адабиётшунос олимлар ўз тадқиқотларида хитой драматургияси жанрларининг юзага келишида қадимий хинд маданиятининг Хитойда кенг ёйилиши сабаб бўлди, деган фикрларни илгари сурдилар. Ушбу масалада XX аср бошларига келиб ёзувчи Чжен Чженъдо ва Сюй Дишанълар томонидан бир қатор изланишлар олиб борилган. Илк бор адабиётшунос, ёзувчи Сюй Дишань 许地山 1925 йилда Кембриджда таҳсил олиб юрган кезларида ўзининг “Хинд драмасининг услуги ва унинг Хитой драмасига оид тафсилотлари” номли мақоласида айни шу масалани кўтариб чиқсан, эди. Адибнинг илмий тадқиқотлари бир қатор муаммоларни қамраб олган, жумладан, қиёсий адабиётшунослик, Хиндишон ва Хитой маданий алоқалари тарихи ва хориж маданиятининг Хитой адабиётига таъсири кабилар. Сюй Дишан Хитой драматургиясининг пайдо бўлиши Шарқий Туркистон худудларига баддизмнинг Махаяна мактаби таълимотларининг кириб келиши билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. У яна шуни таъкидлайдики, мелоддан аввалги иккинчи асрда санскрит драмаси Махаяна буддизми билан бир вақтда шаклланган бўлиб, айни шу даврда Ханъ сулоласида ҳам Махаяна мактаби таълимоти кенг тарқалган. (эр. авв. 206.—эр. 220й.).

1911 йилда немис олими Генрих Людерс<sup>2</sup>нинг археологик ишлари орқали Шарқий Туркистон худудларида санскрит драмасининг қўллўзма нусҳалари топилади. Буларнинг ҳаммаси Германиянинг Берлин шаҳридаги нашриётда нашр этилади. Булар орасида Асвагхошанинг “Шарипутрапракаран” драмаси, Кальпанамандитиканинг “Кумаралата” драмалари ва учта номи номалум матнлар топилган. Бу драмалар Гупталар даврида хинд брахманлари томонидан ёзилган манбалар ҳисобланади. “Шарипутрапракаран” Хитой худудларида топилган энг қадимги асарлардан бири ҳисобланади. Драма матни буддизм асосчиси Гаутама Шакъямуни Шарипутра ва Маудгалаян хаётига бағишлиланган. Шу тариқа Хитойга кириб келган биринчи драматик асар буддизм адабиёти мотивлари асосида ёзилган эди ва бу ўша даврда ёк хитой тилига таржима килинган. Кейинги топилма санскрит драмасининг Хитойда кенг ёйилишига таъсир этган асар натака жанрида ёзилган “Майтрасимити” матни ҳисобланади. Матн тоҳар тилида ёзилган. Кейинчалик илк бор уйғур тилига ва хитой тилларида таржима қилинган. Шу тариқа эрамизнинг I-VII асрларда “Буюк ипак йўли” орқали Махаяна буддизми кенг ёйилишига ва хитой халқининг хинд драматургияси анъаналари билан танишиш имконини берди. Цин сулоласи даврига келиб Хитойда илк ҷаҳугундяо и қзақзюй номли драматик жанрлар ривожланди

Хитой драмасининг “қзақзюй” жанри жуда мураккаб бўлиб, ўзиги хос хусусиятларга эга: бу жанрида ёзилган асарлар 4 актдан иборат бўлиб, ундаги ариялар асосий персонажлар томонидан куйланади, қолганлар эса (прозаик) насрый диалогларда иштирок этадилар, хар бир акт бир-бирига ўтuvчи қофияга эга бўлиб, мусиқаси ҳам мураккаб бўлган. Арияларни куйлашда мумтоз шеърият намуналаридан фойдаланилган. “Қзақзюй”да хар бир актдаги ариялар маълум бир тартибда терилган ва ягона оҳангга бирлашиб умумий ҳолда 12-14 актни ташкил этган. Драманинг мана шу ўзига хос хусусияти муаллифдан катта маҳорат талаб қилган, шу сабабли бу жанрдаги асарлар фақатгина малакали муаллифлар томонидангина

<sup>2</sup>Генрих Людерс(1869-1943)-Шарқшунос-хиндунос. Шарқ адабиёти бўйича мухбирлар аъзоси (Хиндунослик)

яратилган. “Цацзюй” жанрида ижод қилган муаллифларнинг асарлари жамиятнинг юқори табақаларига бағишиланган ва у тил жиҳатдан ҳам мураккаб бўлиб, оддий халқ учун буни тушуниш қийинчилик туғдирган. Бу даврда ёзилган нафақат драматик асарлар, балки насрый, назмий асарларнинг барчаси “веньян” тилида ёзилган эди.

XIII-XIV асрларда айнан оқсуяклар репертуари ҳам яратилади. Ундан кўпинча шаҳарнинг қуи табақаларидан чиққан қаҳрамонларга бағишиланган майший комедиялар ўрин олган. Бу давр драматургиясининг ривожи хақида сўз кетар экан, албатта, таникли драматурглар Ма Чжиюан<sup>3</sup>, Ван Шифу<sup>4</sup>, Баи Пу<sup>5</sup>лар катта ютуқларга эришганлар. Ма Чжи Юаннинг энг машҳур пьесаси “Хан саройида куз” деб номланиб, Юань даври драматургиясининг ишқий-тарихий мавзуда яратилган машҳур асарларидан бири хисобланади. “Кутирган Чжен” ва “Юан минораси” пьесаларида драматург даосизм қарашларини ифодалашга харакат қилган ва мифологик сюжетлардан фойдаланган.

Шундай қилиб, XIII – XIV асрлар оралиғида Хитойда драматургия ўзининг барча асосий жанрлари: комедия, фожия ва драмага эга бўлди.

XV асрга келиб «ццацзюй» жанри секин-аста ўз хусусиятини йўқота борди ва унинг ўрнини «чуаньци» (传奇)<sup>6</sup> жанри эгаллади. «Чуаньци» жанрининг шакли аввал айтиб ўтилган «сивэнъ» шаклининг давоми эди, лекин «чуаньци» ўзининг айрим жиҳатлари билан фарқ қиласиди. Мин<sup>7</sup> давридаги муаллифлар бу жанрга кўпроқ марожаат этганлар.

XVII-XVIII асрлар хитой адабиётини ўрганган рус тадқиқотчилари В.М.Алексеев, О.Л.Фишман, Н.Т.Федоренко ва бошқаларни асосан насрый асарлар кўпроқ қизиқтирган. Ушбу давр драмаси тўғрисидаги масала кўтарилиган рус тилидаги кам сонли тадқиқотлар орасида Б.Л.Рифтиннинг «Хитой драмаси назарияси(XII аср - XVII аср бошлари)» номли мақоласини қайд этиш мумкин. Вахоланки, XVII аср драматургиясининг истеъоддли вакиллари сони анчагина бўлиб, уларнинг асарлари теран мазмуни, сюжетларининг ранг-баранглиги билан ажralиб туради ва шак-шубхасиз бадиий қийматга эга бўлган асарлардир. Манчжурияга қарши кураш ва ватанпарварлик XVI асрда хаётнинг турли жабхаларидаги феодал жабр-зулмига қарши муносабат сифатида юзага келган ва XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб ўз чўққисига кўтарилиган маърифатчилик харакатининг ажralmas қиррасига айланди. Манчжуриялик илк подшолар хитой зиёлиларига нисбатан икки ёқлама сиёsat олиб бордилар. Син сулоласи вакилларига хайриҳоҳ бўлмаган, феодал жамият негизлари ва унинг мафкурасини танқид қилган одамлардан шафкатсиз ўч олган холда, улар айни вактда ёзувчилар, олимларни ўз томонига оғдиришга, уларнинг фаолиятини ўзига маъқул томонга йўналтиришга харакат қилдилар.

XVII асрнинг иккинчи ярмида хитой драматургиясида муайян жонланиш юз берган. Ўша даврда тарқалган “Чуаньци” жанрида қўп сонли асарлар яратган драматурглар, шу жумладан хаваскор ижодкорлар пайдо бўлган. Кўпгина пьесаларда чет эллик босқинчилар асосан ниқоб остида қораланган; миллий манбаатларни топтаб,

<sup>3</sup> Ма Чжиюань ( 马致远 ) (тажминан 1250 — 1324 йиллар) — машҳур юань драматург, шоирларидан бири (ццацзюй) жанрда пьесалар ва цюй жанри шеърлар муаллифи.

<sup>4</sup> Ванг Шифу (王实甫)-Хитой драматурги, XIII – XIV асрларда яшаб ижод қилган.

<sup>5</sup> Баи Пу(白朴)-тажаллуси Таису бўлиб, 1226 йилда ҳозирги Шанси провинсиясида туғилган. . “Чу” (曲) жанрида ҳам 37 та шеър ёзиб қолдирган

<sup>6</sup> «Чуаньци» пьесаларида воқеа ва ходисалар кўпайиб, улар кенгроқ ёритила бошланган. «Чуаньци» деярли «ццацзюй»га нисбатан эркинроқ тарзда эди.

<sup>7</sup> 1368 йилда Юань сулоласи бархам топганидан кейин мамлакатда халқ қўзғалони оқибатидан Мин сулоласи хукумронлигини ўрнатади, 16 та императорлар томонидан 276 йил хукумронлиги давом этади. 1644 йилда манбжурлар томонидан сулола хукумронлигига бархам берилади.

истиличилар томонга ўтган хоинлар қораланган; ўша даврда хукм сурган конфуцийчилик ахлоқига карши норозилик оҳанглари янграган; ҳис-туйғулар, севги эркинлиги куйланган; аёлларнинг ақли ва фидойилигига таҳсинлар айтилган. Драматурглар кўпинча ўз бурчига содик бўлган оддий одамларни шарафлаганлар. Маърифатпарварлик рухи билан сугорилган хақиқий, воқеликни фош қилувчи асарлар билан бир қаторда, конфуцийчиликнинг қотиб қолган ақидаларини тарғиб қилувчи драмалар ҳам яратилган. Бу давр драматурглардан бири Ли Юй<sup>8</sup> тарихий қаҳрамон билан боғлиқ воқеаларни юзаки намойиш этишдан воз кечиб, инсонларнинг реал хаётини тасвирлашга, уларнинг ички дунёсига эътибор беришни талаб қилди, у илк бор ижодида «характер»га, унинг «ўзига хослиги ва жозибадорлиги»га эътибор берди, ғайритабиий сюжетларни рад этди, театрни янгилаш, такомиллаштиришга қаратилган усуллар ва воситаларни тарғиб қилди. Комедияга ва сатирага мустаққил ва бадиий жиҳатдан тўлақонли жанр сифатида қаради. Драматургияда бу даврга келиб янги жанрларнинг пайдо бўлиши туфайли асарларнинг ички тузилишлари бироз енгил шаклга келтирилган бўлсада, кучли, теран мавзулар кўтарилиган. Албатта, ўрта аср услубидаги сюжетлар, гоялар, характерлар давом этган, лекин секин-аста ўзлаштириш услубларига қарши кураш бошланган эди.

XVII аср Хитой адабиёти тарихида “кеч ўрта аср” адабиётидан “янги даврга ўтиш даври” деб юритилади. Бироқ XVI асрнинг иккинчи ярмида бошланган адабий жараёнлардаги ўзгаришлар Хитойда XX асрнинг бошларигача давом этган.

Хулоса қилиб айтганда, атрофдаги воқеликнинг кескин зиддиятлари, узоқ ва яқин ўтмиш воқеалари, Даос ва Будда афсоналари, халқ афсоналари шаҳарлардаги кўплаб театр сахналарида ва қишлоқ ибодатхоналаридаги саҳна жойларида жонли тасвирларда ўз ифодасини топди. Тарихий асарлар, бадиий қисса ва оммабоп ҳикоялар тўпламлари, фалсафий масаллар, таниқли шоирларнинг шеърлари - буларнинг барчаси драматургларнинг ижодий тасаввурлари учун манба бўлиб хизмат қилган, кўпинча бошқа жанрларда янги асарлар манбаи бўлиб келган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 中国现代文学史。1917-1997。北京/2008。
2. 中国戏剧史、北京、2015
3. Абдусаматов X. Драма назарияси. F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 й.
4. Зиямухамедов, Д. Т. (2021). КОНЦЕПЦИЯ ОБЩЕСТВА И ЧЕЛОВЕКА В НОВЕЛЛАХ ПУ СУНЛИНА. Социосфера, (3), 23-31.
5. Abdullayevna, N. S. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии Насирова Саодат Абдуллаевна. КИТАЙСКАЯ ЛИНГВИСТИКА И СИНОЛОГИЯ, 3, 384.
6. NS Abdullayevna. 上合组织国家的科学研究: 协同和一体化。In 上合组织国家的科学研  
究: 协同和一体化 · 87, 0

<sup>8</sup>Ли Юй (李渔) XVII аср драма жанри ривожида, драматургия назарияси ва саҳна маҳорати намояндаси.